

## I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йил январь–март ойларида Фарғона вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 7 303,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 2020 йилнинг тегишли даврига нисбатан 1,5 % га ўсди.

2021 йилнинг январь–март ойлари якуни бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 1 908,5 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 0,3 % га камайди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Фарғона вилоятининг кўшган хиссаси 5,7% ни ташкил этди.


### Ялпи ҳудудий маҳсулот (2021 йил январь–март ҳолатига, фоиз таққослама нархда)

	млрд.сўм		2020 йил нисбатан, фоиз ҳисобида
	2020 йил	2021 йил январь–март	
<b>Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>6 527,2</b>	<b>7 303,8</b>	<b>101,5</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	6 292,4	7 020,1	101,5
Маҳсулотларга соф солиқлар	234,8	283,7	102,2
<b>Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>6 292,4</b>	<b>7 020,1</b>	<b>101,5</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	<b>1 168,5</b>	<b>1 415,4</b>	<b>106,2</b>
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	<b>2 139,2</b>	<b>2 268,5</b>	<b>99,3</b>
саноат	1 673,9	1 698,3	95,2
курилиш	465,3	570,2	114,1
<b>Хизматлар</b>	<b>2 984,7</b>	<b>3 336,2</b>	<b>101,2</b>
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	666,9	750,5	100,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	493,4	570,9	104,2
бошқа хизматлари	1 824,4	2 014,8	100,7

**Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)** – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишилаб чиқариии фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишилаб чиқариии усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати – 106,2%, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 20,2%), саноат – 103,2% (32,3%), курилиш – 100,5% (8,1%), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 103,0% (10,7%), ташиб ва саклаш, ахборот ва алоқа – 100,2% (8,1%) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 103,5% (28,7%) ни ташкил этди.



### 2021 йилнинг январь-март ойларида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари



Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 96,1% ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 3,9% ини ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 1,6% пунктга ўсили ва хисобот йилида 20,2% ни ташкил этди. Саноат (курилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 1,7% пунктга камайди ва 32,3% ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2021 йилнинг январь-март ойларида 47,5% ни ташкил этди ва 2020 йил (47,4%) билан таққосланганда 0,1% пунктга қўпайди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(январь–март ҳолатига, жамига нисбатан фоизда)**



Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 10,7 % ни (2020 й. – 10,6 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 8,1 % ни (7,8 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 28,7% ни (29,0%) ташкил этди.

## Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби

(январь–март, жамига нисбатан, фоизда)

2020 й.



2021 й.



■ савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар


■ ташибиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа

■ хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

Жорий йилнинг январь–март ойлари давомида дастлабки маълумотларга кўра ялпи худудий махсуслот аҳоли жон бошига 1 908,5 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг (1 736,4 минг сўм) мос даврига нисбатан 0,3 фоизга камайди. Шу билан бирга вилоятда йирик корхоналар иқтисодий фаолияти жадаллаши оқибатида ЯҲМда кичик бизнес улуши 61,2 фоизни ташкил қилди.

## **Кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улушининг пасайиши динамикаси январ-март холатига, %**


2021 йилнинг январ-мартида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуси 61,2 фоизни ташкил қилди (2020- йилнинг январ мартида 59,5 %)



Кичик тадбиркорликнинг ЯҲМ таркибида ўсиши йирик корхоналар улушининг камайиши билан тушунтирилади.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Фарғона вилоятининг кўшган ҳиссаси 5,7 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,1 пунктга камайган.

### **ЯИМ да Фарғона вилоятининг улуси, фоизда**



**Ялпи ички (худудий) махсулот**  
**январь–март ҳолатига**

	ЯҲМ млрд. сўм			Аҳоли жон бошига, минг сўм		
	2020 й.	2021 й. январь– март	%	2020 й.	2021 й. январь– март	%
Ўзбекистон Республикаси	112 503,3	128 556,8	103,0	3 311,8	3 712,6	101,0
Қорақалпогистон Республикаси	4 043,8	4 829,0	104,5	2 127,1	2 507,8	103,2
Андижон	6 188,5	6 418,0	94,6	1 974,7	2 009,2	92,8
Бухоро	5 151,4	5 740,9	100,0	2 673,8	2 944,8	98,8
Жиззах	2 781,2	3 291,2	104,2	2 007,7	2 328,4	102,1
Қашқадарё	5 770,5	7 000,9	110,0	1 755,5	2 094,8	108,2
Навоий	9 265,5	11 750,4	107,3	9 275,7	11 573,4	105,6
Наманган	4 428,9	5 072,3	102,3	1 572,6	1 765,4	100,3
Самарқанд	7 083,7	8 283,6	104,3	1 823,4	2 094,4	102,5
Сурхондарё	3 890,2	4 390,9	104,1	1 476,4	1 634,2	102,1
Сирдарё	2 199,1	2 554,6	107,4	2 593,2	2 961,9	105,6
Тошкент в.	12 535,0	14 492,1	104,5	4 254,0	4 861,5	103,3
<b>Фарғона</b>	<b>6 527,2</b>	<b>7 303,8</b>	<b>101,5</b>	<b>1 736,4</b>	<b>1 908,5</b>	<b>99,7</b>
Хоразм	3 608,1	4 329,7	105,8	1 930,2	2 283,5	104,3
Тошкент ш.	19 613,3	23 704,9	109,3	7 605,3	8 762,4	104,1